Биография

Хайрулла Исматуллаев



Хайрулла Ҳикматуллаевич Исматуллаев 1937 йилнинг 16 августида Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1955 йилда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Свердлов номли 41-ўрта мактабни, 1960 йилда эса Тошкент Чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. 1960—61 йилларда ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» Давлат нашриётида (инглиз тили бўйича редактор вазифасида), 1961 йилнинг январидан декабригача Тошкент Чет тиллар педагогика институтида юқори курслар учун «инглиз тили кафедрасининг ўқитувчиси лавозимида хизмат қилди. 1961—64 йилларда Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аспиранти бўлди. 1965 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида кузатилган мақсадга кўра гап турлари» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлаган. Х. Ҳ. Исматуллаев ўзбек тилида гап турларини коммуникативлик (дарак, сўроқ, буйруқ) ва эмоционаллик (эмоционал ва эмоционал бўлмаган гаплар) аспектларида ўрганган, инглиз тили фонетикаси ва грамматикасини яратиш бобида самарали меҳнат қилаётган истеъдодли олимлардан биридир.

Асарлари:

1964

Сўроқ гаплар классификацияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

Америка тилшуносларининг ўзбек тилига оид асарларига тақриз. «Шарқ юлдузи» журнали, 12-сон, Тошкент.

1965

Риторик сўроқ гаплар. ТошДУ илмий асарлари, 268, Тошкент.

Кузатилган мақсадга кўра гап турлариниг интонацион хусусиятлари. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

1966

Дарак ва буйруқ гаплар ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 282, Тошкент.

Сўроқ гапларнинг баъзи хусусиятлари. ТошДУ илмий асарлари, 282, Тошкент.

Буйруқ гапларда модаллик. ТошДУ илмий асарлари.

Инглиз тили грамматикаси (синтаксис), Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.